


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик-педагогика институти

«Информатика ва ахборотлар технологияси»
кафедраси

О.О.Жакбаров

«Web технологиялари» фанидан курс ишларини
бажариш бўйича



Ушбу услубий кўрсатма «Информатика ва ахборот технолоиялари» йўналиши бўйича таълим олаётган кундузги, сиртқи бўлим талабалари учун мўлжалланган бўлиб, «Web технологиялари» фанидан курс ишларини ўтказиш бўйича барча йўриқномалар ҳамда курс иши вариантларини ўз ичига олган

Услубий кўрсатмадан, «Web технологиялари» фанини ўрганаётган талабалар, магистрлар web саҳифалар яратишга қизиқувчи ўқитувчилар фойдаланиши мумкин.

Муаллиф: доц. Жакбаров О.О.

Тарқизчилар: НамМПИ т.ф.н. П.Каримов
НамДУ, «Амалий математика ва АТ»
кафедрасининг доцент и А.Имомов

Таҳрирчи: катта ўқитувчи Исманова К.

*Услубий кўрсатма «Информатика ва ахборот технологиялари»
кафедрасининг 2006 йил № ___-сонли мажлисида кўриб чиқилган ва
маъқулланган.*

Мундарижа

Сўз боши	4
1-§. Талабаларнинг фанни ўзлаштиришида курс ишларининг роли ва аҳамияти	5
2-§. Курс ишини бажариш босқичлари.....	6
3-§. Курс ишини бажарилиш сифатини баҳолаш	7
4-§. Курс иши намунавий мавзулари	7
5-§. Намунавий курс иши	12
I. Кириш.....	14
II. Асосий қисм.....	15
1. Масалани қўйилиши	15
2. Масалани ечиш учун зарур бўлган асосий манбалар.....	15
2.1. HTMLда Web саҳифа яратиш ва саҳифанинг умумий структураси ҳақида	15
2.2. Macromedia Flash дастури имкониятлари.....	16
2.3. FrontPage 2003 редактори.....	18
3. Масалани ечиш алгоритми.....	21
4. Саҳифани яратиш учун таклиф қилинадиган асосий маълумотлар	22
5. Саҳифанинг асосий кўринишлари.....	23
6. Дастур матни.....	26
7. Хулоса.....	34
8. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	35
8.1. Асосий адабиётлар	35
8.2. Қўшимча адабиётлар.....	Ошибка! Закладка не определена.
6-§. Қўшимча маълумотлар учун.....	36

Сўз боши

«Жаҳон цивилизациясига даҳлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб, мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин»

И.Каримов.

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларининг иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан «Internet»га кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали дастурчилар тайёрлаш даражасини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли натижаларга тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланишнинг кўламлари қандай бўлишига ҳамда бу технолоиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигининг ошишида қандай роль ўйнашига боғлиқ. Демак, замонавий компьютерлардан амалда кенг фойдалана оладиган етук кадрлар тайёрлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Internet қуйидаги имкониятлари билан афзалдир, бу ахборотга эга бўлиш, янгиликлар билан танишиш, билимга эга бўлиш, ўқиш, илғор технологиялар ва тажрибалар билан танишиш, иш муносабатларини тезда хал қилиш, истеъмолчининг талаби ва муаммоларини билиш, махсулот баҳосини назорат қилиш имкониятларидир. Унинг ёрдамида маълумотлар узатиш, қабул қилиш, бошқариш ва тасвирлаш мумкин.

Хозирги кунда саноатнинг барча соҳаларида реклама асосий ролни ўйнамоқда. Internet эса бу йўлда асосий восита бўлиб хизмат қиляпти. Интернет орқали реклама қилиш учун ана шу ташкилотнинг web саҳифасини яратиш керак бўлади.

Ушбу маърузалар матнида web саҳифаларни яратиш бўйича кўплаб маълумотлар келтирилган бўлиб, ундан барча қизиқувчи ўқувчилар ҳамда касб хунар коллежларининг ўқитувчи ва талабалари фойдаланишлари мумкин. Китобда web саҳифаларни HTML тилида ҳамда MS FrontPage дастури ёрдамида қандай яратиш ёритиб ўтилган.

Шунингдек ушбу услубий кўрсатма «Информатика ва АТ» ва бошқа йўналишдаги барча таълим талабалар учун мўлжалланган бўлиб, у фанни ўқитишда Республикамизда тўпланган кўп йиллик педагогик тажрибаларни илмий таҳлилдан ўтказиш натижасида ҳосил бўлган хулосаларга ҳамда Давлат таълим стандартларига мос наъмунавий дастур ва унга мос ишчи дастурларга асослангандир.

Ушбу услубий кўрсатма Давлат таълим стандартларига мос намунавий дастур ҳамда унга мос ишчи дастурлар асосида тузилган бўлиб, «Web технологиялари» фанидан муайян курс ишларини бажаришга мўлжалланган.

1-§. Талабаларнинг фанни ўзлаштиришида курс ишларининг роли ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг «Олий таълим ҳақида»ги низомида (1998 йил 305-сонли буйруғига асосан қабул қилинган) Олий таълимнинг асосий вазифалари қаторида қуйидагилар кўрсатилган:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий таълим ва касб-хунар дастурлари асосида юқори самарали ўқитишни ташкил этиш ва малакали кадрлар етиштиришни таъминлаш;
- мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиш истиқболлари, жамият талабларига биноан фан, техника, илғор технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида кадрлар ўқитишни ташкил этиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш;
- ўқув амалиётига янги педгогик ва ахборот техногияларини киритиш, ўқитишни масофавий воситалар билан таъминлаш;
- талабаларнинг илмий тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан ва техникани ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдан бош мақсад ва пировард натижа ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, XXI асрнинг эркин фикрли шахсларни вояга етказишда намоён бўлади.

Таълимда ёшларни шахсий ўқув қобилиятларини рўёбга чиқариш ва уларни ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Таълим тизимини ҳаёт билан, давлатимиз сиёсати билан боғлаш принципи Олий таълим тизими, Ўзбекистон мактаблари, касб-хунар коллежлари олдида турган энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Ҳозирги ўтиш даврида келажаги буюк давлат куришга ва дадил қадамлар билан бу вазифани амалга оширишга қодир бўлган баркамол авлодга таълим-тарбия бериш таълимнинг асосий вазифасидир.

Демак, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабаларидан келиб чиқиб, бугунги кун ҳар бир ёшдан, ҳар бир талабадан яхши мутахассис бўлишни, ўзи эгаллаган соҳанинг моҳир устаси бўлишни талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, турли фанларни ўзлаштиришда талабаларнинг мустақил тайёргарликларига алоҳида этибор берилади. Мустақил тайёргарликнинг энг мақбул йўлларида бири бу курс ишларидир.

Курс ишлари яъни курс лойиҳалари талабанинг мустақил таълим олишининг энг маҳсулдор даври бўлиб, мустақил таълимнинг ушбу шаклидан фойдаланиш юқори малакали мутахассис тайёрлашга асос бўлиб хизмат қилади.

2-§. Курс ишини бажариш босқичлари.

Курс ишлари барча предметлардан ўша предмет ўтилатганда мустақил топшириқ сифатида берилади. Талаба курс ишини бажариш мобайнида маъруза, амалий, лаборатория машғулоти, мустақил таълим босқичида олган билимларини умумлаштириб, уларни амалда қўллаш олиши, қўйилган муайян масалани ижодий ҳал этиши лозим. Бунинг учун талаба ўқув ва илмий адабиётларни мустақил ўқийди, таҳлил қилади ва раҳбаридан маслаҳатлар олади, схема ва чизмаларни тайёрлайди, мутахассислар ёрдамида муҳокама қилади ва ишни ҳимояга тавсия қилади.

Демак, қисқа вақт ичида талабанинг энг кўп билим олишини таъминлаши тегишли кафедра ва раҳбарнинг курс ишларини самарали ташкил қилишига боғлиқ.

Ўқув йили бошланишида фан бўйича мустақил таълим учун курс иши ажратилган тақдирда ўқитувчилар унга тегишли мавзулар бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар (номи, муаллифи, боби, параграфи, саҳифалари) ҳақида талабаларга батафсил маълумот бermoғи, курс иши бўйича ўзининг маслаҳат берадиган ҳафта куни, соати ва хонасини айтmoғи лозим. Кафедра ўқитувчиларининг талабаларга маслаҳатлар бериш жадвали кафедранинг эълонлар доскасига осиб қўйилади (мустақил таълим соати дарс жадвалига киритилмаган бўлса).

Курс ишини бажаришда талабага ўз ишини қуйидаги тартибда ташкил қилишни тавсия этиш мумкин.

- курс иши мавзулари бўйича маъруза ва амалий машғулотларда фаол иштирок этиш;
- мавзуга тегишли назарий қисмни адабиётлардан фойдаланиб, синчиклаб ўрганиб чиқиш ва конспект қилиш;
- мавзу бўйича масалаларнинг ечиш алгоритмларини тузиш;
- ўз варианты бўйича ҳисоб график ишларини бажариш, алгоритмларга мос дастур таъминотлари яратиш, натижаларни таҳлил қилиш;
- бажарилган курс ишини ўқитувчига кўрсатиб, тўғри ечилганлигини текшириш;
- курс ишини расмийлаштириш;
- курс ишини ҳимоя қилиш.

Одатда курс ишлари ёзишда ўқитувчи раҳбарлигида танлаб олинган мавзу учун талаба мустақил режа тузади. Курс ишини бажариш жараёнида ўқитувчи раҳбардан мунтазам равишда маслаҳатлар олиб туради. Курс ишларини назорат ишларидан фарқи шуки, бунда талабалар аниқ мавзу бўйича мустақил равишда тегишли адабиётларни ўқиб чиқиб, мустақил фикр юритади ва кичик муаммоларни ечиб беришга ўзининг ҳиссасини қўшади. Назорат ишларида эса олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларга жавоб қайтарилади. Уларнинг ҳажми курс ишларининг ҳажмига нисбатан кичик бўлади.

Демак, курс ишлари талабаларни илмий тадқиқот ишлари олиб бориш малакасини ҳосил қилишга, маълум илмий ҳарактерга эга бўлган маърузалар ёзишга ўрганишга чорлайди. Курс ишлари талабаларни ўқув тадқиқот ишларининг асосий шаклларида бирини ташкил этади.

3-§. Курс ишини бажарилиш сифатини баҳолаш

Муайян фан учун талабалар билимини баҳолаш мезонини тузаётганда мустақил таълимга ажратилган қисмлар бўйича талаба олиши мумкин бўлган балларни албатта кўрсатиш лозим. Таълим йўналишлари Давлат стандартларида ўқув машғулоти (маъруза, амалий машғулоти, лаборатория иши, семинар машғулоти) учун ажратилган соатларга нисбатан мустақил таълим соатлари ўртача 20-25% эканини ҳисобга олиб, мустақил таълим бўйича талаба билимини баҳолашга жорий ва оралиқ баҳолашдан баллар ажратилиши мумкин. Масалан, жорий баҳолашдан биттаси ва оралиқ баҳолашдан биттасини (умумий баллнинг 20-25% атрофида) ажратиш мумкин.

Албатта, бунда мустақил таълимга ажратилган фан бўлагининг ҳажми, топшириқлар мазмуни, уларни бажариш муддатлари ва фаннинг ўзига хос хусусиятлари кабиларни эътиборга олиш лозим.

Мустақил таълимни ташкил этишни бажариш, илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш, янги баҳолаш мезонларини жорий этиш каби масалаларни кафедра мажлисларида, факультет илмий-методик кенгашларида муҳокама қилиб берилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўқув режасидан фанлар учун ажратилган соатларни таҳлил қилиш натижасида, ҳамда рейтинг тизими талабларидан келиб чиқиб, талаба билимини табақалаштириб баҳолаш мақсадида курс ишлари учун тах-30 балл ажратилади.

тах балл	қониқарсиз	қониқарли	яхши	Аъло
100%	0-54,9 %	55-69,9%	70-84,9%	85-100%

Курс ишлари Давлат таълим стандартлари асосида тузилган режага кўра қабул қилинган наъмунавий дастурда, ҳамда шу асосда тузилган ишчи дастурда кўрсатилган бўлади.

«Web технологиялари» фанининг хусусиятларидан ва фанни ўзлаштиришда қўйилган талаблардан келиб чиқиб, қуйидаги наъмунавий курс иши топшириқлари талабаларга тавсия этилади.

4-§. Курс иши намунавий мавзулари

Курс иши тавсия қилинадиган йўналиш:

5140900 касб таълими «Информатика ва АТ» йўналиши

№	Курс иши мавзулари
1.	«Web технологиялари» фанининг «HTML тили ва имкониятлари, асосий буйруклари» булими асосида электрон саҳифа яратиш
2.	«Web технологиялари» фанининг «Internet Explorer дастури ва имкониятлари» мавзуси асосида электрон саҳифа яратиш
3.	«Web технологиялари» фанининг «Java дастурлаш тили ва умумий структураси» мавзуси асосида электрон саҳифа яратиш
4.	«Web технологиялари» фанининг «MS Office дастурлари ёрдамида Web саҳифа яратиш» булими асосида саҳифа яратиш
5.	«Ассемблер тили» фанининг «Ассемблер тилининг арифметик, киймат узатиш ва мантикий буйруклари» булими асосида электрон саҳифа яратиш
6.	«Ассемблер тили» фанининг «Ассемблер тилининг конструкцияси ва дастурни трансляция қилиш» булими асосида электрон саҳифа яратиш
7.	«Ассемблер тили» фанининг «Бошқаришни узатиш буйруклари» булими асосида электрон саҳифа яратиш
8.	«Ассемблер тили» фанининг «шахсий компьютер архитектураси ва микропроцессорнинг программа модели» булими асосида электрон саҳифа яратиш
9.	«Ассемблер тили» фанининг «Экран ва клавиатура амалларини бажариш, узилишларни бошқариш» булими асосида электрон саҳифа яратиш
10	«Информатика ва ахборотлар технологияси» фанининг «Windows тизимида папка ва файллар билан» булими асосида электрон саҳифа яратиш
11	«Информатика ва ахборотлар технологияси» фанининг «Масалани ЭХМда ечиш босқичлари» булими асосида электрон саҳифа яратиш
12	«Информатика ва ахборотлар технологияси» фанининг «Паскаль тили операторлари» булими асосида электрон саҳифа яратиш
13	«Информатика ва ахборотлар технологияси» фанининг «Паскаль тилининг график операторлари» булими электрон саҳифа яратиш
14	«Информатика ва ахборотлар технологияси» фанининг «ЭХМ авлодлари» булими асосида электрон саҳифа яратиш
15	AVP антивирус дастуридан фойдаланиш буйича электрон саҳифа яратиш
16	Dreamviewer дастури имкониятлари хақида маълумот ва зарурий курсатмалар берувчи электрон саҳифа яратиш
17	Drweb антивирус дастуридан фойдаланиш буйича курсатма берувчи электрон саҳифа яратиш
18	FireWorks дастури билан ишлаш буйича электрон саҳифа яратиш.
19	Flash MX дастури асосида тугма (Button кнопка) яратиш буйича электрон саҳифа яратиш
20	Flash MX дастури асосида турли хил шаблонлар ва жадваллар асосида электрон саҳифа яратиш
21	Flash MX дастури инструментлар панелидан фойдаланиш буйича электрон саҳифа яратиш
22	Flash MX дастури меню командалари вазифалари буйича электрон саҳифа яратиш
23	Flash MX дастурида матнларни харакатлантириш, турли хил объектларни харакатлантириш буйича электрон саҳифа яратиш
24	FrontPage дастури асосида фрейм ва шаблонлар билан ишлаш буйича электрон саҳифа яратиш
25	FrontPage дастури ва унинг инструментлар панели командалари билан ишлаш буйича электрон саҳифа яратиш
26	FrontPage дастури ва унинг юкори меню командалари вазифалари буйича

	электрон саҳифа яратиш
27	FrontPage дастурида турли хил матн ҳаракатларини бажариш бўйича электрон саҳифа яратиш
28	Microsoft Access дастури юкори меню командалари ва уларнинг вазифалари бўйича электрон саҳифа яратиш
29	Microsoft Access дастурида маълумотлар базаси асосида жадваллар (таблиця), суровлар (запрос), формалар (форма) ҳисоботлар (отчет) тайёрлаш бўйича электрон саҳифа яратиш
30	Microsoft Access дастурида тайёр шаблонлар асосида маълумотлар базасини яратиш ва фойдаланиш бўйича электрон саҳифа яратиш
31	Microsoft Access дастурида турли хил маълумотлар омборини яратиш ва уларни таҳрир қилиш бўйича электрон саҳифа яратиш
32	Microsoft Access дастурининг инструментлар панели вазифалари ва улардан фойдаланиш электрон саҳифа яратиш
33	Microsoft Excel дастури юкори меню командалари ва уларнинг вазифалари бўйича электрон саҳифа яратиш
34	Microsoft Excel дастурида турли хил графиклар қуриш бўйича электрон саҳифа яратиш
35	Microsoft Excel дастурида турли хил жадвалларни яратиш ва уларни таҳрир қилиш бўйича учун электрон саҳифа яратиш
36	Microsoft Excel дастурининг инструментлар панели вазифалари ва улардан фойдаланиш бўйича электрон саҳифа яратиш
37	Microsoft Power Point дастури асосида слайдларга, матнларга, тасвирларга ҳаракат (анимация) бериш бўйича электрон саҳифа яратиш
38	Microsoft Power Point дастури юкори меню командалари ва уларнинг вазифалари асосида электрон саҳифа яратиш
39	Microsoft Power Point дастурида слайдлар яратиш, шаблонлардан фойдаланиш ҳамда таҳрир қилиш асосида электрон саҳифа яратиш
40	Microsoft Power Point дастурида турли хил жадвалларни яратиш ва уларни таҳрир қилиш асосида электрон саҳифа яратиш
41	Microsoft Power Point дастурининг инструментлар панели вазифалари ва улардан фойдаланиш бўйича электрон саҳифа яратиш
42	Microsoft Word дастури юкори меню командалари ва уларнинг вазифалари бўйича электрон саҳифа яратиш
43	Microsoft Word дастурида турли хил жадвалларни яратиш ва уларни таҳрир қилиш бўйича электрон саҳифа яратиш
44	Microsoft Word дастурининг инструментлар панели вазифалари ва улардан фойдаланиш бўйича электрон саҳифа яратиш
45	Norton Antivirus антивирус дастури имкониятлари ва ундан фойдаланиш бўйича электрон саҳифа яратиш
46	Windows операцион тизимининг «Paint» дастури имкониятлари билан таништирувчи электрон саҳифа яратиш
47	Windows операцион тизимининг «WordPad» дастури имкониятлари билан таништирувчи электрон саҳифа яратиш
48	Windows операцион тизимининг «Проводник» дастури имкониятлари билан таништирувчи электрон саҳифа яратиш
49	WinRar архиватор дастури ва имкониятларини таништирувчи электрон саҳифа яратиш
50	WinZip архиватор дастури ва имкониятларини таништирувчи электрон саҳифа яратиш

Мавзулар фанни ўқитиш бошланиши билан бўлиб берилади. «Web технологиялари» фани 5-семестрда ўтилади. Курс ишини бажариш фандан ўтилган мавзулар асосидаги эгалланган билим ва малакалар асосида бажарилади. Курс иши раҳбари ҳар бир тайёргарлик босқичини назорат қилиб ва баҳолаб боради. Тегишли маслаҳатлар беради.

«Web технологиялари» фанидан бажарилган курс иши қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

- курс ишига режа тузилган бўлиши ва режага кўра барча маълумотлар тартиб билан ёритилиши
- Берилган топшириқ бўйича муайян масалага доир назарий маълумотлар етарли даражада берилиши
- қўйилган масалани чуқур таҳлил этиб, саҳифани яратишнинг технологияси бўлиши
- Саҳифа яратилиб, курс иши билан бирга дастур алоҳида дискда бўлиши
- Мавзуга мос булган саҳифани яратиш ва саҳифада келтирилган маълумотлар мавзуга мос келиши
- Курс ишини бажариш жараёнида фойдаланилган адабиётлар, интернет саҳифаларининг руйхати
- ва ниҳоят курс ишини бажаришда талаба қандай муаммоларни қай даражада ҳал қила олганлиги хулоса қисмида кўрсатилган бўлиши керак.

Юқоридаги талабларнинг нечоғлик бажарилишига қараб курс ишини баҳоланади.

Баҳолар деканат томонидан берилган рейтинг балларни қайд қилиш варақаларида ва қуйидаги топшириқ варақасида қайд қилиб борилади. Бундай топшириқ варақаси эса курс иши топшириғи берилган вақтда тўлдирилади ва кафедра томонидан тасдиқланади.

Унда курс иши мавзуси, мустақил ишнинг мазмуни, курс ишини бажариш босқичлари, асосий тавсия қилинадиган адабиётлар ва ҳимоя вақти кўрсатилган бўлади.

Тасдиқлайман:
 «Информатика ва ахборотлар
 технологияси» кафедраси
 мудир: _____ доц.М.Олимов
 « _____ » _____ 2005 й.

КУРС ИШИ

_____ фани бўйича
 Гуруҳ _____ талаба _____ Раҳбар _____

ВАЗИФА

1. _____

_____ мавзусидаги топшириқ

2. Дастлабки маълумотлар

3. Фойдаланилган материаллар

4. Компьютерда бажарилган қисмларнинг мазмуни

1) _____

2) _____

3) _____

4) _____

5. Тушунтириш қисмнинг мазмуни _____

6. Қўшимча вазифа ва кўрсатма _____

7. Курс ишини топшириш муддати

1	2	3	4	Тушунтириш хати	Химоя

Раҳбар _____ (имзо) _____ (фио) _____ (сана)

Талаба _____ (имзо) _____ (фио) _____ (сана)

Қуйида талабларга тўла жавоб берувчи наъмунавий курс ишини тавсия қиламиз. Бу талабаларнинг курс ишини бажаришдаги мустақил тайёргарлигига ижобий ёрдам беради.

5-§. Наъмунавий курс иши

5.1. Мукова

Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги

Наманган мухандислик педагогика институти

«Информатика ва ЭЭ» факультети

«Информатика ва АТ» кафедраси

«Web технологиялари» фанидан

Курс иши

Бажарди:

Хасанов Х.

Қабул қилди:

т.ф.н.Жакбаров О.О.

Комиссия раиси:

Аъзолар:

Наманган -2005 йил

Тасдиқлайман:
«Информатика ва ахборотлар
технологияси» кафедраси
муdiri: _____ доц.М.Олимов
« _____ » _____ 2007 й.

КУРС ИШИ

Web технологиялари фани бўйича
Гуруҳ 8-китат-03 талаба Хасанов Х. Раҳбар т.ф.н. Жакбаров О.О.

ВАЗИФА

1. «Қаттиқ жисмлар физикаси» фани бўйича услубий кўрсатма учун электрон дарслик яратиш _____ мавзусидаги топширик
2. Дастлабки маълумотлар 1. Flash MX дастури бўйича маъруза. 2. Фрейм ва шаблонлар ҳақида маълумот. 3. Web саҳифа яратиш дастурилари. 4. Анимацияларни яратиш ва Action Script билан ишлаш

3. Фойдаланилган материаллар

1. Жакбаров О.О., Жураев Т.М. «Web технологиялари» фани бўйича муаммоли маърузалар матни. 2. Тойлоқов С. «Информатика». 3. С.С.Ғуломов «Иқтисодий информатика» Т. 1999й. 4. HTML для чайников электрон дарслик. 5. www.flasher.ru

4. Компьютерда бажарилган қисмларнинг мазмуни

- 1) Flash MX да ишлаш бўйича маърузани компьютерга киритиш
- 2) Мавзу бўйича web саҳифани Flash MX дастурида яратиш
- 3) Анимацияларни Flash MX да яратиш
- 4) Яратилган web саҳифани таҳрир қилиш
- 4) ҳисобот тайёрлаш

5. Тушунтириш қисмининг мазмуни _____

6. Қўшимча вазифа ва кўрсатма _____

7. Курс ишини топшириш муддати 6.06.2007 йил

1	2	3	4	Тушунтириш хати	Химоя
14.03.2007	4.04.2007	2.05.07	6.06.2007		6.06.2007

Раҳбар _____ т.ф.н. Жакбаров О.О. _____
(имзо) (фио) (сана)

Талаба _____ Хасанов Х. _____
(имзо) (фио) (сана)

(Изоҳ: курсивда ёзилган матн кулёзма бўлади)

I. Кириш.

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларинин иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан «Internet»га кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали дастурчилар тайёрлаш даражасини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилётган шу кунларда етук мутахассисларни тайёрлаш энг олий масалалардан бири ҳисобланади.

Айниқса, касб таълими йўналиши бўйича етишиб чиқаётган малакали мутахассислар билимини шу кун талаблари даражаси бўлиши, давлатимиз ривожининг яққол асоси бўлади десак муболаға бўлмаса керак.

Шу фикрларга асосланадиган бўлсак, айтиш мумкинки Web технологиялари фани бўйича талабаларни билим даражасини юксак бўлишига эришиш укувчиларни Интернет саҳифалари билан ишлаш бўйича кўникмаларини янада ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Хозирги кунда саноатнинг барча соҳаларида реклама асосий ролни ўйнамоқда. Internet эса бу йўлда асосий восита бўлиб хизмат қиляпти. Интернет орқали реклама қилиш учун ана шу ташкилотнинг web саҳифасини яратиш керак бўлади.

Шунингдек, касб-ҳунар мактабларда, коллежларда ҳамда олий таълим даргоҳларида турли хил фанлардан электрон дарсликлар ва электрон қўлланмаларни яратиш жуда ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Электрон дарслик, электрон қўлланмалар ҳамда лаборатория стендларига бўлган талабдан келиб чиқадиган бўлсак, бу курсни ўзлаштириш асосида ҳар бир талаба жуда ҳам катта илмга ва такомиллашган дастурий таъминотлар асосидаги web саҳифаларни яратиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу фан бўйича тайёрланадиган курс ишида web саҳифаларни яратиш бўйича кўплаб маълумотлар келтирилган бўлиб, талаба ихтиёрий бир мавзу бўйича ўзи мустақил равишда web саҳифа яратиши ҳамда уни яратиш босқичларини ёза олиши учун зарурий кўрсатмалар келтириб ўтилган.

Келтириб ўтилган услубий кўрсатмадан, талабалар ўзлари учун курс иши топшириқларини бажариш учун зарурий қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

1. Масалани қўйилиши

Маълумки, шу кунларда электрон дарсликлар яратиш масаласи жуда ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, аниқ фанлар йўналишлари бўйича электрон дарсликлар, тажриба стендлари яратиш талабалар билимини янада ривожланиши ҳамда тезроқ ва сифатлироқ билим олишларига хизмат қилади.

Айтайлик бизга, «Қаттиқ жисмлар физикаси» фани бўйича услубий кўрсатма учун электрон дарслик яратиш талаб қилинсин.

Бошлангич маълумот: «Қаттиқ жисмлар физикаси» фани бўйича услубий кўрсатма, Microsoft FrontPage, Macromedia Flash MX дастурлари ҳамда Microsoft Word редактори.

2. Масалани ечиш учун зарур бўлган асосий манбалар.

2.1. HTMLда Web саҳифа яратиш ва саҳифанинг умумий структураси ҳақида

Интернетнинг WWW хизмати кундан-кунга ривожланиб, мукамал маълумотлар манбасига айланиб бормоқда. Унинг ёрдамида исталган соҳада, исталган мавзуда ва истлаган вақтда маълумотларни қидириб топиш, улардан фойдаланиш, зарур бўлса улардан нусха олиш мумкин. Интернетнинг ушбу хизмат туридан фойдаланиш учун аввало миждоз компьютерида худди шундай имкониятларни яратиб берувчи махсус дастур таъминоти бўлиши зарур. Бундай дастур таъминоти браузер (Browsers) деб аталади.

HTTP (Hyper Text Transfer Protocol) эса гиперматнларни узатиш протоколи бўлиб, у тармоқ протоколлари ичида энг содда ва қулай протоколлардан ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси «гипербоғланиш»дан ҳосил бўлган URL манзилли электрон ҳужжатларни ўқишга оид сўров (запрос)ни серверга жўнатиш (худди шу вақтда сўралаётган ҳужжат жойлашган сервер билан алоқа ўрнатилади) ва сўралаётган ҳужжат олиб бўлингандан сўнг сервер билан алоқани узишдан иборат.

HTML форматида тайёрланган электрон ҳужжат HTML ҳужжат, web ҳужжат ёки web саҳифа деб аталади. Агар электрон ҳужжатни тайёрлаш ҳақида гап борса, у холда ҳужжат HTML ҳужжат деб аталади, ушбу электрон ҳужжатни интернетда эълон қилиш ёки тарқатиш ҳақида гап борса, у холда бундай электрон ҳужжат web саҳифа дейилади.

HTML тили барча браузерлар учун оммавий ҳисобланиб, унинг ёрдамида яратилган web саҳифалар ихтиёрий браузерларда ишлаши мумкин. Лекин бу тилда дастур тузиш ҳамма учун ҳам қулай ҳисобланавермайди.

Сабаби кўплаб операторларнинг номларини эсда сақлаб қолиш бир оз қийинчилик туғдириши мумкин. Шунини хисобга олган ҳолда, ҳозирги вақтда web саҳифаларни ҳеч қандай код ёзмадан ҳам яратиш имкониятини берувчи дастурлар яратилган. Мисол сифатида MS FrontPage, MS Word ва Flash MX ларни келтиришимиз мумкин.

Ҳозирги замонавий таҳрир қилувчи дастурлар ёрдамида оддий анимацияларни ва бошқа компьютер имкониятларини яратиш имконияти мавжуд.

Ҳар бир web ҳужжат учун битта web саҳифа мавжуд бўлиб, у уй ёки бош саҳифа (Home Page) дейилади. Ихтиёрий мурожаат қилувчи аввало ушбу саҳифа билан боғланади (1-расм).



1-расм. Мулоқот структураси

бу саҳифадаги ҳар хил матн, расм, график ва хоказо кўринишдаги гипершоратлар ёрдамида web ҳужжатнинг бошқа қисм саҳифаларига мурожаат қилиш мумкин. Web саҳифадаги кўрсатилган гипершорат шу компьютерга ёки ихтиёрий Internet га уланган компьютерга боғланган бўлади.

Бош саҳифа юқорида жойлашган, ундан пастда бош саҳифанинг $1.i$ ($i=1,n$) лари унинг қисм саҳифалари бўлса, $2.j$ ($j=1,m$) лар уларнинг яна кўшимча қисм саҳифалари бўлиши мумкин.

Мурожаат қилиш тартиби ва орқага қайтиш қуйида (2-расм)гидек бажарилади.



2-расм. Мулоқот йўналиши

MS Word ва MS FrontPage дастурлари MS Office дастурлари тўпламига киради. Ҳар иккала дастурда матнлар билан ишлаш ва уларни форматлаш айнан бир хилда амалга оширилади.


2.2. Macromedia Flash дастури имкониятлари

Web-яратувчилар орасида энг кўп ишлатиладигани бу Macromedia Flash дир, чунки ушбу дастур ҳар қандай сайтга машҳурлик олиб келувчи Web-саҳифалар яратиш имконини беради. Балки шунинг учундир SWF форматини оддий қилиб Flash деб аталиши одатга кириб қолган. Шундай қилиб Flash-технологиялари қуйидагилардан иборат:

векторли графика;
 анимацияни бир қанча турларида ишлаш имконияти;
 интерфейсни интерактив элементларини яратиш имконияти;
 синхрон овоз кўшиш имконияти;
 HTML формати ва бошқа Интернетда ишлатилувчи барча форматларга экспортни таъминлаш;
 платформали мустақиллик;
 Flash-фильмларни автоном режимда ҳам, Web-браузер ёрдамида ҳам кўришнинг имконияти мавжуд.

визуал яратиш ускуналари мавжудлиги Flash-фильм яратувчиларини кўплаб мураккаб операциялардан халос этади, шунингдек Flash-технологияларнинг техник аспектиларини ўрганиш зарур бўлмайд.


Flash технологияси Shockwave Flash (SWF) форматидаги вектор графикадан фойдаланишга асосланган. Албатта бу формат энг кучли форматлардан бўлмасада, SWF яратувчиларига графикани имкониятлари, графика билан ишловчи воситалар ва натижани Web-саҳифаларга кушиш механизмларини бирлаштириш уртасида энг қулай ечимни топишган. SWF ни кушимча имкониятлардан яна бири бу унинг мослашувчанлигидир, яъни бу формат барча платформаларда (MacOS системали Macintosh компьютерлари ёки Windows системали IBM компьютерларида) ишлатилиши мумкин. SWF нинг яна бир қулай имконияти унинг ёрдамида яратилган тасвирлар нафакат анимацияли бўлиши, балки интерактив элементлар ва товуш билан бойитилиши мумкин.



Flash - бугунги кунда бу технологияни қўлланилишининг асосий йўналиши бу чиройли ва динамик Web-саҳифалар яратишдир.

Flash-фильмни браузерда намойиш этилишини икки усули мавжуд:
 уни SWF форматида сақлаш, сўнг сичқонча ёрдамида файл белгисини шу файл сақланадиган каталогдан браузер ойнасига ўтказиш (4-расм);

Flash-фильмни HTML форматига экспорт қилиш, сўнг оддий усул билан браузерда очиш.



4-Расм. Сичконча ёрдамида браузер ойнасига олиб ўтилган SWF-файл

Flash-фильмни HTML-кодга ўтказиш механизми ActiveX элементларини ишлатиш ёки Plug-in компонентларини қўшишга ўхшашдир. Internet Explorer браузери учун HTML-кодида ўтказиш <OBJECT> тэги ёрдамида Netscape браузери учун эса <EMBED> тэги ёрдамида амалга оширилади. Ушбу икки браузер ҳам Flash-фильмни тушуниши учун, Flash ўз фильмларини HTML саҳифага конвертация қилганда бу икки тэгни қўшади. Шу билан бирга дастурчи тэглarning кўрсаткичларидан фойдаланиши ёки ўзининг кўрсаткичларини бериши мумкин.

Flash-фильмларни Web-саҳифа элементлари сифатида ишлатиш турли тумандир. Булардан айримлари қуйида келтирилган:

саҳифани эстетик кўринишини ошириш учун мулжалланган «оддий» анимация;

фойдаланувчи харакати (сичқончани силжитиш, тугмачани босиш)га боғлиқ бўлган анимациялашган тугма, бундай тугма гипершорат сифатида ишлатилиши мумкин ёки бирор-бир вазифани бажариш мумкин (масалан, браузерни янги ойнасини очиш, ташқи файлни юклаш ва б.);

Web-саҳифа фойдаланувчиларидан бирор-бир маълумотни қабул қилишга мўлжалланган форма кўринишида;

Зарурат туғилганда Flash ни оддий, «статик» фақат гипершоратлар кўринишидаги интерактив элементларни анъанавий кўринишидаги HTML-саҳифалар яратиш учун ҳам ишлатиш мумкин. Бундай вариант Flash ни ҳам матн билан ҳам алоҳида тасвирлар билан ишлаш имкониятидан келиб чиқади.


2.3. FrontPage 2003 редактори

FrontPage редактори (FrontPage editor) - HTML тили ҳақида билим талаб қилмаган ҳолда Web саҳифалар яратиш имконини беради.

FrontPage explorer

FrontPage проводник (FrontPage explorer) - Web саҳифа структурасини аниқлаш ва уни ҳар хил ҳолатларда, график ёки иерархия кўринишида кўрсатиб бериш ва унинг структурасини ўзгартириш имконини беради.

FrontPage explorer дастури янги Web-саҳифаларни махсус шаблонлар, Web-усталаридан фойдаланиб яратиш имконини ҳам беради. Булардан ташқари Web-саҳифаларни бир сервердан бошқасига кўчириш, алоҳида фойдаланувчилар учун ҳамда фойдаланувчилар гуруҳи учун Web-саҳифадан фойдаланиш ҳуқуқларини беради (2- расм).



2-Расм. FrontPage explorer дастури мулоқот тизими

Personal Web server

Шахсий Web сервер (Personal Web server) - Web узелини Internet ва Intranet тармоқларидан тўла фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари HTML ҳужжатларини яратилгандан сўнг ҳам таҳлил қилиш ёки текширишга хизмат қилади. Локал ҳамда глобал даражадаги компьютерлардаги турли саҳифаларнинг ички ва ташқи алоқаларини текширади.

Web-тармоғидаги файлларни бошқариш ва Сизнинг Web-саҳифангизга мурожаат қилаётган манзил орқали малумот узатиш имконини беради.

Server Administrator

Сервер бошқарувчи (Server Administrator) - Сервер бошқарувчиси локал тармоқли компьютерларда FrontPage серверларини бошқариш имконини беради.

Front Page editor дастури


Microsoft Front Page редактори таркибига кирувчи Front Page editor дастури - World Wide Web саҳифаларини яратиш, таҳрирлаш ва назорат қилиш дастуридир. Матнларни киритиш, таҳрирлашда, ҳар хил формалар ва Web саҳифалар учун бошқа элементларни киритиш учун жуда қулай бўлиб, бу дастур орқали тайёрланган Web саҳифаларни худди браузерларда кўраётгандек кўриш имконини ҳам беради. Front Page editor дастуридан

фойдаланиб Web саҳифалар яратиш учун, у HTML тили ҳақида билим талаб қилмайди, бу тилни ўзлаштирмасдан ҳам кўпгина Web саҳифалар яратиш имконини беради ва у саҳифаларни автоматик равишда HTML тили кодига айлантириб беради. Булардан ташқари Front Page editor HTML тили кенгайтмаси имкониятларини ҳосил қилишга ҳам, яъни, худди фрёмлар кўринишида, ActiveX муҳитида бошқариш, Java applets VB Scripts - дастурлаш тилларини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Front Page editor дастурининг Microsoft Word редактори билан ўхшаш томонлари

Front Page editor дастурининг интерфейси худди Microsoft Word матн процессориникига ўхшаш бўлганлиги учун унда ишлаш жуда қулай ва содда.

Бу редакторнинг Microsoft Word матн процессори билан ўхшаш командаларини санаб ўтамыз (3 - расм).



3- расм. Microsoft Front Page editor интерфейси.

Microsoft Front Page editor интерфейси тугмачаларининг номланиши;

1. Янги ҳужжат ҳосил қилиш, файлларни очиш ва сақлаш;
2. Босмалаш, файлларни кўриш учун браузерларни чақириш, хатоларни назорат қилиш;
3. Белгиланган матн қисмини қирқиш, кўчириш ва қўйиш;
4. Охирги бажарилган амални бекор қилиш ва қайтариш;
5. Front Page explorer дастурини ишга тушириш;
6. Bot компонентларини қўйиш, жадваллар ва кўринишлар;
7. Браузернинг стандарт қуроллар мажмуаси панели: олдинга ва орқага гипер ишоратга қайтиш, файлнинг юкланишини тўхтатиш ёки қайта юклаш;
8. Шаблон ҳужжатлари турини танлаш;
9. WeB Script ва JavaApplets муҳитларини ўрнатиш;
10. График кўринишдаги файлларнинг фақат керакли актив муҳитдаги қисмини ажратиб олиб қўйиш, чизик турлари, тўртбурчак, айлана ва кўпбурчаклар. Объектларни ажратиш имконини бериш;

11. Font (шриффт) турини танлаш;
12. Объект турлари: матнлар учун қолип (pole) жойлар, рўйхат, checkbox, радиотугмаси очиб танланадиган рўйхат, тугма;
13. Ҳарфларнинг ўлчамларини ўзгартириш;
14. Ҳарф формалари: қалин, қия ёки тагига чизилган ҳолатларда;
15. Матнларни тартиблаш: чап чегара бўйича, марказлаштириш, ўнг чегара бўйича;
16. Маълумотлар сатри;
17. Номерлаштирилган рўйхат ва рўйхат тури "бюллетен" ҳолатини ўрнатиш.

Front Page editor дастуридан фойдаланиш йўллари

Қуйида Front Page editor дастуридан фойдаланиш имкониятларини келтирамыз:

